



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 244 (11.555)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200  
 2008  
 ТОШКЕНТ

2010 йил — БАРКАМОЛ  
 АВЛОД ЙИЛИ

Давлатимиз раҳбари  
 Ислам Каримов  
 Ўзбекистон  
 Республикаси  
 Конституцияси қабул  
 қилинганининг 17  
 йиллигига  
 бағишланган  
 тантанали маросимда  
 2010 йилни  
 мамлакатимизда  
 «Баркамол авлод  
 йили» деб эълон  
 қилди.



## БАРКАМОЛ АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Баркамол авлод — жамият тараққиётининг асосидир. Шу боис юртимизда мустақилликнинг илк йилларида ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлоднинг тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1993 йил 4 мартда қабул қилинган фармонида мувофиқ таъсис этилган мустақил Ватанимизнинг илк ордени — «Соғлом авлод учун» деб номланиши ҳам истиснонинг илк йилларидан бу масалага нечоғли улкан эътибор қаратилганидан далolatдир. Зеро, соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашдек эзгу ниятни амалга ошириш имконияти мустақиллик шарофати билан пайдо бўлди. Буюк давлатни барпо этишга қодир баркамол авлод — мустақил инсонни тарбиялаш учун зарур барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий имкониятлар тўбора кенгаймоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, соғлом авлод деганда, аввало, соғлом насл, жисмонан бақувват, йимон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлод тушунилади. Мантиқан бир-бирига ҳамоҳан бўлган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Со-

ғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ёшлар йили», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» да ҳам баркамол авлод тарбияси, унинг манфаатларини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этди.

Утган йиллар давомида «Соғлом она — соғлом бола» гоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Хусусан, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этиш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Юртимизда ёшлар ҳуқуқларини барча соҳаларда ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар тўла шакллантирилди. Айни чоғда ушбу ҳуқуқий асосни янада тақомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қабул қилинаётган барча қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг замирида ягона гоя мужассам. Бу гоя, Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва маънавий етук авлод

шаклланиши ва ўз имкониятларини ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, замонавий билим ва касба эга бўлишни, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашни таъминлашдан иборат.

Ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро chambarchas boglangan ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу борадаги сазой-ҳаракатлар янги, янада юқори босқичга кўтарилди.

Янги таълим масканлари замонавий билим олишни таъминлаш билан бирга, уларнинг маънавий шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«The Banker» халқаро журнали томонидан ҳар йили ўтказиладиган танловда «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб топилди ва 2009 йилда «Йил банки» сертификатига сазовор бўлди.

## «АГРОБАНК» ЭНГ ЯХШИ ДЕБ ТОПИЛДИ

Ўзбекистон банки хизматларининг жаҳон молия бозорида юқори эътироф этилгани бежиз эмас. Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда аграр секторни ривожлантириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Маълумки, Президент Ислам Каримов томонидан 2009 йил юртимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Бу борада қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, иқтисодиёт аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга кучли туртки бериш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этишни жадаллаштириш, бандлик даражаси ўсишни таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастурни амалга оширишда аграр тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этди.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифаси аграр секторни барқарор юксалтириш, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни изчил чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқарувчиларига кенг кўламли банк хизматларини кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони доирасида «Агробанк» акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини оширишда фаол иштирок этмоқда.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг «The Banker» халқаро журнали томонидан юксак баҳоланган барқарор фаолияти Ўзбекистонда агросаноат тармоқини муваффақиятли ривожлантиришга қўмаклашадиган муҳим омиллардан биридир.

В.РУДАКОВА,  
 ЎзА мухбири

Жорий йил 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловни хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчи кузатиб бориши кутилмоқда. ЎзА мухбири мамлакатимизга келган баъзи кузатувчиларнинг дастлабки таассуротлари билан қизиқди.

## Сўз — халқаро кузатувчиларга

### САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ОШКОРА ЎТИШИГА ИШОНАМИЗ

Евгений СЛОБОДА, МДХ Кузатувчилар миссияси штаби раҳбарининг ўринбосари:

— Мамлакатимизда сайлов жараёнига пухта тайёргарлик қўрилган, барча шароит яратилганининг гувоҳи бўлдим. Сайловнинг очиқ ва ошқора ўтишини таъминлаш мақсадида кўплаб хорижий мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ташкил этилган диққатга сазовор. Бу сайловнинг ҳаққоний ўтишига ишончи оширади. Биз сайлов қонунчилиги, мейърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга киритилган ўзгаришлар ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Ҳар бир давлат ўз сайлов тизимини

яратиш ва жорий этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 гага кўпайтирилган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш, инсон саломатлигини яхшилаш масалалари назарда тутилди, 15 депутатлик мандати Ўзбекистон Экологик ҳаракати аъзоларига берилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан МДХ Кузатувчилар миссияси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Миссиямиз турли вилоят ва шаҳарларда бўлиб, депутатлик номзодларнинг, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотлари билан яқиндан танишишни режалаштирган. Мен Ўзбекистонда 2004 йили парламент ва 2007 йили бўлиб ўтган прези-

дент сайловларида иштирок этганман. Ушунда сайлов участкаларининг муштасам саройларда, муассасалар, идора ва ташкилотларнинг, ўқув юртларининг замонавий биноларида, маданият уйларида ташкил этилганини кўриб, Ўзбекистонда сайловчиларнинг эркин овоз бериши учун яратилган қўлай шарт-шароит ва имкониятларга ҳавасим келган эди.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент шаҳри йил сайини гўзаллаштириб бораётди. Бу ерда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

ЎзА мухбири  
 Мадина УМАРОВА  
 Ёзиб олди

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2009 йил 22 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида учинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:  
 — Тошкент шаҳрини 2009 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кутилаётган яқунлари ҳамда 2010 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар тўғрисида;  
 — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан вазифаларнинг ижроси бўйича Миробод тумани ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида;  
 — Тошкент шаҳрининг 2009 йилги Давлат бюджетни ижроси ва 2010 йил бюджетни лойиҳаси тўғрисида;  
 — Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ва бошқа масалалар.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАҲРИМИЗДА**  
 «Чинор» интернет компанияси ташаббуси билан экологик мавзуга бағишланган сайт ишга туширилди.

✓ **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда пиротехника воситаларидан фойдаланилишининг олдини олишни аҳамияти ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** молия тизимини тақомиллаштириш чораларига бағишлаб ўтказилган тадбирда молия соҳаси мутахассислари, иқтисодчилар, фаол хотин-қизлар иштирок этишди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Футбол федерациясида мутахассислар, ОАВ вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда профессионал футбол лигаси жамоаларининг 2010 йилда ўтказиладиган мамлакат XIX миллий чемпионати учун янги тақвими тузиб чиқилгани маълум қилинди.

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Республика Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармасида халқаро савдо-кўргазмаси ташкил этилди. Австрия, Англия, Россия, Туркия, Беларусь, Польша ва Хитой сингари ўнга яқин мамлакатларнинг йирик компаниялари вакиллари иштирок этган тадбирда балиқ ва гўштни қайта ишлаш, озик-овқат, нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қадоқлаш ҳамда сақлашга мўлжалланган замонавий технологиялар намойиш этилди.

• Наманган шаҳар Бандликка қўмаклашиш маркази, шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Унда мулкчилик шакли турлича бўлган 82 меҳнат ва ўқув жамоалари 639 та иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида қатнашчиларнинг 158 нафарига ишга йўлланмалар берилди.

• Бухоро вилоятининг энг чекка туманларидан бири — Пешқуда аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Ўзбектелеком мобилтел» филиали алоқа станцияси ишга туширилди.

• Жорий йил бошидан бундан «Агромаш-лизинг» компаниясининг Сурхондарё филиали турли модификациялардаги 180 та хорижда ишлаб чиқарилган тракторларни фермерларга етказиб берди. Йил охирига қадар тармоқ ишчи-хизматчилари яна 10 та шундай техника воситаларига эга бўладилар.

• Фарғона вилоятининг Куvasой шаҳридаги Арсиф қишлоғида болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ёшлар ҳамда саломатлик марказларини ўз ичига олган муҳташам мажмуа фойдаланишга топширилди.

• Урганч шаҳрида «Ёш тадбиркор-қишлоқ тараққиёти кафолати» кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларида танлаб олинган 15 нафар ёш тадбиркорларнинг лойиҳалари ва бизнес-режалари кўриб чиқилди ва голиблар аниқланди.

• Нукус шаҳрида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб «Юртимиз марваридлари» номли тасвирий асарлар кўргазмаси очилди. Унда айниқсан танлики мусаввирлар томонидан ишланган «Иссиқ нон», «Кўпкари», «Ёш фермер — Темур», «Қоратоғда тонг» сингари асарлар томошабинларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

## ЖАҲОНДА

• Куба пойтахти Гаванада бўлиб ўтган «Боливариан альянси» (ALBA) саммитида иштирок этган давлатлар ўртасида соғлиқни сақлаш, таълим, фан, технология, маданият, иқтисодиёт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича 25 та ўзаро келишув ҳужжати имзоланди.

• НАТО Бош қотиби А.Фог Расмуссен Москвада мазкур ташкилотнинг Россия билан ҳарбий ҳамкорлиги режасини тақдим этди.

• Молдавия Руминия билан чегарадаги тиканли симлардан иборат тўсиқни олиб ташлашни билдирди.

• Кеча касалхонада даволанаётган Италия Бош вазири Сильвио Берлусконининг кўриқчилари яна доғда қолдилар. Уларнинг кўзини шамғалат қилган бир киши касалхонага кириб Берлускони даволанаётган палата эшиги олдига келганда ушланди. Қўлга олинган одам Берлускони билан суҳбат қўриш ниятида эканлигини билдирган. Бироқ унинг машинаси текширилганда совуқ қурол топилган.

• Покистоннинг Карачи шаҳридаги «Aled Bank»нинг филиалларидан бирини ўғирлик содир этилди. Гап шундаки, беш нафар қуролланган шахс бинога бостириб кириб, 3,7 миллион АҚШ доллари миқдордаги маблағни олиб чиқиб кетган. Ҳозиргача Покистон банкларидан бундай катта миқдордаги маблағ тунаб кетилмаган эди.

• Бугун Москвадан Санкт-Петербург шаҳрига юқори тезликда ҳаракатланган янги тоифадаги дастлабки «Сапсан» поезди илк қатновни амалга оширди.

• Кеча Грециянинг шимоли-шарқида жойлашган Кавала шаҳрида бир гуруҳ ёшлар тўс-тўполон уюштириб, тўртта банк бўлимига зарар етказдилар.

• Кеча Эрон телевидениеси ўрта ма-софага учувчи янги русумдаги ракета парвозини намойиш этди. Маълумотларга қараганда, мазкур ракета Осий қитъасининг ҳар қандай нуқтасига етиб бориши мумкин.



Сайлов — 2009

САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАГИ АСОСИЙ БЎҒИН



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар сайловига санокли кунлар қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловни ўтказишга ягона ҳисобланади.

Участка сайлов комиссиялари тегишли ҳудуд бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади, сайловчиларни уларга оид рўйхат билан таништириш баробарида бу борада йўл қўйилган ҳаттолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилиб, зарурат туғилса, рўйхатга тегишли ўзгаришлар киритиш тўғрисида масалаларни ҳал этиш, сайлов кўни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов варақаси солинган ёпиқ ҳолдаги конвертларни қабул қилиш, шунингдек, аҳолини сайлов кўни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор қилиш каби вазифаларга эга.

Шуларни инобатга олган ҳолда, участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш борасида нафақат номзодларнинг касбий маҳорати, балки авваломбор шахсий ҳусусиятлари ва энг муҳими, сайлов кампаниясига доир тажрибага эга эканлигига ҳам аҳамият қаратилди.

Республика микёсида 8,5 мингга яқин участка сайлов комиссиялари тузилган бўлиб, улар Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловни ўтказишга ягона ҳисобланади.

Тошкент шаҳри бўйича ташкил этилган 653 та участка сайлов комиссиясининг фаолияти тегишли равишда бир вақтнинг ўзига Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 12 та округ сайлов комиссияси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ сайлов комиссияси томонидан мувофиқлаштириб борилади. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосан участка сайлов комиссиялари доволаниш муассасалари ва ҳарбий қисмларда ҳам тузилган. Бундан ташқари, республикадаги ташқарисидики меҳнат сафарини ўтказувчи ўқув юрталарида тахсил олаётган фуқароларимиз учун Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳудудида ҳам бугунги кунга 44 та участка сайлов комиссияси тузилган бўлиб, уларнинг фаолиятини сайлов кўни овозларини жамлаш мақсадида пойтахтдаги 126-Темирйўлчилар округ сайлов комиссияси мувофиқлаштириб боради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айна пайта айрим сайлов комиссияларининг таркибидики ҳам ўзгаришлар бўлди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ сайлов комиссиясининг биринчи аъзоси сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ўз навбатида, депутатлик номзодларнинг ҳам сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари таққилнади. Айрим округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлари кўрсатилгани сабабли улар тегишли комиссиялар таркибидики чиқарилиб, бўшаб қолган ўринларга янги аъзолар тасдиқланди. Чунинки Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11, 12, 16-моддаларидики келиб чиққан ҳолда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олинганлиги сабабли 129-Дўмбиров округ сайлов комиссияси раиси Болтабоев Махмудхон Рустамович ва 132-Тўқимачи округ сайлов комиссияси аъзоси Дўсанов Нуриддин Халиллаевич тегишли комиссияларга вазифасини бажаришдан озод қилинди. Шунингдек, 125-Дархон округ сайлов комиссияси аъзоси Тайлаков Норбек Исақулович, 129-Дўмбиров округ сайлов комиссияси аъзоси Борисова Елена Михайловна, 130-Бомдому округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Юлдашев Пўлатқўжа Иброҳимович, 133-Қўқча округ сайлов комиссияси аъзоси Раҳматиллаева Муқаддас Мамаатовна, 135-Шайхонтоҳур округ сайлов комиссияси аъзоси Фаниев Байдулла Тошмурадочиларнинг номзодлари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилганлиги сабабли тегишли округ сайлов комиссиялари таркибидики чиқарилиди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган аризаларга кўра 35-Тузел округ сайлов комиссияси раиси Аҳмедов Шавкат Аскарочиларнинг номзоди Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилганлиги муносабати билан, 17-Мингўрик округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Холдарбеков Шўҳрат Мананович, 16-Хумоюн округ сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Иргашева Анажон Турсибаевна, 32-Машинасозлар округ сайлов комиссияси аъзоси Имомова Хабиба Джалбабоева, 34-Авиасозлар округ сайлов комиссияси аъзоси Кабилов Юсуп Хасилбекович, 49-Жараник округ сайлов комиссияси аъзоси Джалилова Саида Шавкатовна, 39-Қозиробод округ сайлов комиссияси аъзоси Мамарамов Рустам Пирматович, 39-участка сайлов комиссияси раиси Исламова Дилфуза Дилшодовна, 124-участка сайлов комиссияси раиси Хусанова Севара Рихсибаевна, 312-участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Халметова Зулайхо Исмаилова, 322-участка сайлов комиссияси раиси Тураев Илхом Хайруллаевич комиссия таркибидики чиқарилиди. Ўз аризаларига кўра 37-Қурувчилар округ сайлов комиссияси раиси Раҳимов Анвар Нарзуллоевич ва 56-Бободехон округ сайлов комиссияси раиси Акбаров Хикमत Файратович комиссиялардаги вазифаларидан озод этилди.

— Бўшаб қолган тегишли комиссиялардаги ўринларга янги аъзолар қонунда белгиланган тартибда тасдиқланди. — дейди шаҳар сайлов комиссияси раиси Жамолитдин Шохимов. — Айни пайтда барча сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатлари мувофиқлаштирилди. Участка сайлов комиссиялари фаолияти бўйича қундалик ахборотлар округ сайлов комиссиялари томонидан умумлаштирилиб, ўз навбатида, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилмоқда. Таъкидлаш лозимки, маъмур комиссияларга жамоатчилик орасида обрў-этиборга эга 6 мингга яқин киши жалб этилган бўлиб, ҳар бир аъзоликка номзод фуқаролар йиғинлари йиғилишларида кўриб чиқилган ҳолда тавсия этилди. Эътиборлики шундаки, комиссия аъзоларининг 70 фоиздан кўпи сайлов кампанияларида тажриба ортирган. Ўз навбатида сайлов қонунчилигига қиритилган ўзгариш ва қўшимчаларни инобатга олиб ҳамда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг изчил ва самарали кечишини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда айрим округ ва участкалар негизда туркум семинарлар ташкил этилди. Маъмур тадбирларда сайлов комиссиялари аъзолари қонунчилик борида тегишли ахборот олиш билан бирга жойларда ҳамкасблари фаолияти билан танишдилар, ўларнинг қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоб олишга ҳам муваффақ бўлдилар. Айни пайтда шундай семинарлар туманлар микёсида ҳам бўлиб ўтмоқда. Фураатдан фойдаланиб, шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, участка сайлов комиссиялари айна бир неча кундан сўнг ўтказиладиган сайловга шай. Шунга ҳам ишончимиз қомилки, ҳар бир сайлов ҳуқуқига эга юртимиз фуқароси бу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда яхши воқиф ва сайлов кўни ўз конституциявий бурчинини адо этади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мақтаб таълимни ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурининг ҳаётимизга чуқур таъкид этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хўнара ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ўз босқичли улзқисиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Барка-

чақнаб турган навқирон йигит-қизларни кўриб, қалбингизда ишонч, гурур-ифтихор туйғулари жўш уради.

Халқимиз ўзининг истеъдодли фарзандлари билан, уларнинг халқро фан олимпиадалари, жаҳон спорт майдонлари, маданият ва санъат оламида эришган катта ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш доимий эътиборда.

«Келажақ овози», «Янги авлод», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» каби республика танловларининг юқори савидада ташкил этилаётгани

оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар муштақамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бунда, авваломбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда оила қурадиган йигит ва қизларимизнинг тафаккурини, онгини ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қизларимиз онгидики оналик, ўғилларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, бунга уларни тайёрлаш, ёш

Таълим

БАНК ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Инсон ҳаётининг айрим соҳаларида мавжуд масалаларни ҳал этишга қаратилган замонавий технологияларнинг ривожланиши дунё мамлакатлари тараққиётини белгилаб бермоқда.

Ахборотлаштирилган жамиятда ҳар бир жамият аъзосининг ўқиши ва улзқисиз таълим олиши асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу шароитда ахборотлаштириш бутун таълим тизимини янги ахборот маданиятига йўналтирилган ҳолда ўзгартириши тақозо этмоқда. Янги ахборот маданиятининг ўзлаштирилиши ўқув жараёнига, таълимнинг бошқаришга, қолаверса, қундалик ҳаётимизга истиқболли ахборот технологияларини жорий этиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Банк тизими учун ходимлар тайёрлаш соҳасида янги ахборот технологиялари воситаларининг яратилиши ҳамда қўлланилиши назарияси, услубиёти муаммоларига диққат-эътиборни қаратиш керак. Ҳозирги кунда банк тизими учун ходимлар тайёрлашнинг базавий ахборот технологияларини ривожлантириш долзарб ҳисобланади. Ушбу технологияларга офис, мультимедиа, геоахборот технологиялари, ахборотни муҳофазатлаш технологиялари, телекоммуникацион технологиялар ҳамда маълумотларни алоҳида тақсимланган ҳолда сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Юқоридики санаб ўтилган технологиялардан фойдаланиб, банк фанлари бўйича таълим, муҳит ҳамда вояга етказишдаги аниқ мақсадга хизмат қиладиган маҳсулот олиш имконини берувчи амалий ахборот технологияларини яратиш мумкин.

Ахборот технологиялари мактаб, коллеж, академик лицейларда ҳам, олий ўқув юртиларида ҳам тажрибатдақидоқ ишларни самарали ташкил этишга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг муқтакли ишларининг уйда замонавий моделлаштириш услубларининг фойдаланган ҳолда компьютерда бажарилишида ҳозирги замон ахборот технологиялари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мультимедиа технологиялари ёрдамида турли ахборот ташувчи воситаларда дарслик, ўқув қўлланмалари, бошқа услубий материалларни яратиш имконияти пайдо бўлди.

Муқтакли Ўзбекистонда янги сифат ҳамда шаклдаги таълим тизими 1997 йилда қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида рўёбга чиқарилаётган экан, таълим тизимининг ахборот таъминотини такомиллаштириш доимо долзарб бўлиб қолаверади. Бу борада эса энг катта масъулият педагог кадрлар зиммасига юкланади.

Саодат НИЯЗОВА, Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи катта ўқитувчиси

Тадбирлар

УСТОЗ — МАЪРИФАТ БУЛОҒИ

Ҳазрат Алишер Навоий ўзининг пурмаъно ҳикматларида қимми ҳақиқат, одиллик, диёнат йўлида устоз таълимни кўрган бўлса, унинг ҳақини «юз ганж», яъни юзлаб-минглаб дуру гавҳар билан узиб бўлмаслигини ёзади. Бинобарин, устоз-мураббийлик шундай заҳматли, аммо шарафли касбки, уларга қанча ҳурмат-эҳтиром кўрсатилса, шунча қамлик қилади.

Шу маънода Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказилган тадбирнинг: «Устоз — маърифат булоғи, маънавият чироғи», деб номланиши ўзига хос аҳамиятга молик. Унда институти профессор-ўқитувчилари, устоз-мураббийлар, санъат ва маданият вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирга йиғилганлар Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, маъмур марказ бўлим мудири Халима Жуманиёзова, шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг «Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари» кафедрасининг катта ўқитувчиси Саодат Шермухаммедова, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари — Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Рихсиёва Авазов, Толиб Каримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Саида Рахметова, Фатхулла Маъсумов, истеъдодли актёр Рихсиётллага Абдуллаевларнинг ўқитувчининг жамият тараққиётидаги, бола шахсининг шаклланишидаги, санъат, ҳусусан, театр репертуарида устоз-мураббийларнинг образларини жонлантиришидаги аҳамияти ҳақидаги маърузаларини тингладиди.

— Бугунги кунда ўқитувчининг касбий малакасига эътибор ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этган, — дейди Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси Рихсиёва Алматава биз билан суҳбатда. — Негаки ўқувчи шахси шаклланишида ўқитувчининг нафақат билим, салоҳияти, балки унинг маънавий олами ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, ўқитувчи ва маънавият тушуначлари бир-бирини тўлдириб бормоғи даркор.

Тадбирда устоз-мураббийларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилди. Халқона оҳанглар жўрлигидаги дилқаш наволар йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

мол авлод», Универсиада спорт мусобақалари бераётган юксак самаралар, бола-лар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўлмали ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимизда кўлаб замонавий спорт мажмуалари, сув спортни саройлари, стадионлар барпо этилиб, спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланмоқда.

Ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига хизмат қилаётган бундай замонавий ишчиотлар оммавий спорт ривожидики муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир томондан, бола-ларимиз замонавий шароитдан умумли фойдаланган ҳолда жисмонан чинқаётган бўлса, бошқа томондан, халқро майдонларда юртимиз байронини баянда кўтаришга қодир ёш спортчиларнинг янги авлодлари етишиб чиқмоқда.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажакини мамлакатимизнинг келажиги билан боғлиқ ҳолда кўрайдиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Ёшларимиз сиёсийсизда муайян касб, баъзан бир неча йўналиш бўйича диплом олган, бир неча ҳорижий тилини ўрганган, замонавий техника ва технологияларнинг пухта ўзлаштирган, муқтакли инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл-юрт хизматида шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт

ёшларда чуқур билим олишга интилишини кучайтириш, илгор ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагоглар ўртасида инновация технологияларини жорий этиш бўйича рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фарзандларимизнинг замон ва техникавий тараққиёт билан баравар одимлаётгани калбимизга гурур баъшиласа, уларнинг онгу тафаккурини дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидлардан, «оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш масъулиятини бизни янада ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлишга ундайди.

Юртимизда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилган. Олий ўқув юртиларида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилган. Шунингдек, академик лицейлар, касб-хўнара коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, танловлар, спорт мусобақалари ўтказилиши, ана шу тадбирларда ва халқро микёсдаги олимпиада, тен-лов ва мусобақаларда ғолиблики кўлга қиритган ёш иштирокчиларни моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш ва Олим ТўРАҚУЛОВ, Ўза Шарқулович

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида кутубхона ходимлари, ўқув юртилари профессор-ўқитувчилари, талаба-ўқувчилар катнашган, шу кутубxonанинг илмий ва маркетинг тақдирлари бўлими томонидан тайёрланган «Ўзбекистон миллий маданиятини ривожлантиришда кутубхона ўлқашунослигининг роли» мавзусида ўлқашунослик ишини ташкил этишининг ҳозирги замон муаммолари ва ҳусусиятлари, кутубхонада ўлқашунослик билимларини оммалаштириш, ўлқашунослик библиографияси тарихи масалалари, аҳолининг ўлқашунослик ахборот ресурсларидан фойдаланишини ташкил этиш ҳусусияти, электрон муҳитда кутубхона ўлқашунослиги ва бошқа масалалар юзасидики даврга суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона директор ўринбосари И.Маминова, Абдулла Қодирини номидаги Тошкент Давлат маданият институти вакиллари профессор О.Хонжонов, доцентлар Х.Маматраимова, Қ.Нишонбоев, Ўзбекистон Миллий университетида И.Кислина, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий тиббиёт кутубхонасида Ф.Волошина, Тошкент шаҳар ахборот кутуб-

хона маркази бош библиографи Г.Ҳе, Республика Болалар кутубхонасида М.Исҳоқов ва бошқаларнинг ўлқашунослик библиографияси, кутубхона ўлқашунослиги ва унинг ҳиссаси, кутубхона ўлқашунослигининг ҳолати, муаммолари, ечимлари, электрон муҳитда ўлқашунослик, глобаллашув жараёни ва ёшлар маънавиятида қадриятлар, ўлқашунослик кеча ва бугун, Республика болалар кутубхонасида ўлқашунослик билимларини оммалаштириш каби мавзулардаги маърузалари тингланди. Маърузалар юзасидики саволларга жавобларда, мунозараларда кутубхона ўлқашунослигининг ривожини ва такомиллаштирилишига доир муҳим фикрлар, тақлифлар билдирилди.

Тадбирда Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг Миллий библиография бўлими томонидан тайёрланган ўлқашунослик оид библиографик курсатқичлар ҳамда Ҳамид Олимжоннинг тулик матни электрон кутубхонаси, Е.Беттер архивидан олинган ҳужжатлар ва фотоматериаллар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Анъанага кўра талаба жавоб берадиган маъруза ва бошқа тақдим этилган ишларни «Бетгер ўқишлари — 2009» материаллари тўпламида чоп этишга қарор қилинди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

налар мавжуд бўлиб, улардан 201 таси махсус пелчар ўрнатилганлиги тўғрисида ҳулоса олиш учун инспекциянинг ҳудудий бўлинуларига мурожаат қилишган, уларнинг барчасида пелчар ва ёрдамчи қурилмаларнинг табиий газдан умумли фойдаланишига тайёрлиги ўрганилди, тегишли тавсия ва тақлифлар берилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, инспекциямиз қатъий режа асосида юқоридаги корхона раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассислари иштирокчида Қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида семинар-учрашувлар ўтказди, жойларда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, малакали маслаҳатлар берилиб, соҳа вакиллариға ёзма ёслатмалар тарқатилди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаб, оғирини енгил, мушқулнин осон қиладиган табиий газ, нефть — энергия ресурслари бебаҳо неъматлардан ҳисобланишини, улардан тежаб-тергаб фойдаланишиға аҳамият қаратишимиз бозор иқтисодиёти ва замонамиз талаби эканлигини доимо ёдда тутайлик.

Шуқурулло МАХМУДОВ, «Ўздавнефтвазинспекция» бошлиғи

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда амалда бўлган инновация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Қарор ва ижро

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Ҳусусан, «Ўздавнефтвазинспекция» ташкилоти жамоаси ҳам янги корхоналар барпо этиш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатлари камайишини ҳамда тайёр маҳсулот нарҳининг арзонлашувини таъминлайдиган замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қилиш ҳисобига сифатли деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, шу асосда ички бозорини шундай материаллар билан тўлдириш, уй-жойлар, айниқса қишлоқ жойларда иморат қураётган аҳолининг ортб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўқитиб қолдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материалларни ишлаб чиқари-

ришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг июнь ойида инспекциямиз томонидан «Ўзқурилишматериаллари» ҳамда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниялари ҳамкорлигида «Пишган гишт ишлаб чиқаришда табиий газнинг солиштирма меъерини ҳисоблаш методикаси» деб номланган бўлими томонидан шу давр мобайнида «Стройсервис» қўшма корхонаси, «Jahon-servis» масъулияти чекланган жамияти ва «Aedurashid» ҳусусий корхоналарига ҳулосалар берилди. Республикамизда ҳозирда 354 та махсус пелчар ўрнатилган табиий газдан фойдаланувчи корхо-

миллион донга шартли гишт ишлаб чиқарувчи заводларнинг намунавий лойиҳалари тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг қўшма қарорига асосан инспекциямизнинг ҳудудий бўлинулари томонидан корхоналарга пишган гишт ишлаб чиқариш учун замонавий технологиялардан фойдаланаётгани тўғрисида ҳулосалар бериш белгиланган. Масалан, «Ўздавнефтвазинспекция»нинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан шу давр мобайнида «Стройсервис» қўшма корхонаси, «Jahon-servis» масъулияти чекланган жамияти ва «Aedurashid» ҳусусий корхоналарига ҳулосалар берилди. Республикамизда ҳозирда 354 та махсус пелчар ўрнатилган табиий газдан фойдаланувчи корхо-







ЖУМА, 25

Давоми Боши 3-бетда.

00.00 Х/ф «Сайтоса»... 2.30 «Информация»... 3.00 Х/ф «Челюсти-2»...

ПАЙШАНБА, 24

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

10.00 «Олам ва одам» дастури: «Койног»... 10.50 «Сининг адвокатингиз»... 10.55 ТВ - анонс...

11.00 «Абдулло»... 11.10 «ТБ - шифокор»... 11.15 «Таймлайн»... 11.35 «Юртим бўйлаб» дастури...

11.50 «Абдулло»... 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 12.50 «Икким»... 13.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида»...

13.40 «Секрети қалам»... 14.00 «Абдулло»... 14.15 ТВ - анонс... 14.20 «Одамлардан бири»...

14.40 «Тараққият ва фаровонлик сари»... 15.00 «Олам ва одам» дастури: «Усимликлар ҳақи»... 15.50 «Оун»...

16.00 «Текор хабарлар»... 16.10 ТВ - анонс... 16.15 «Мен виллоям»... 16.30 «Икки дарё оралиғида»...

ЖУМА, 25

10.15 «Анонс»... 10.20 «Информационная программа «Пой-такт»... 10.30 «Джейн Эйр»... 10.40 «Уларим»...

11.00 «Ўзбекистон»... 11.05 «Уларим»... 11.10 «Ўзбекистон»... 11.15 «Ўзбекистон»...

11.20 «Ўзбекистон»... 11.25 «Ўзбекистон»... 11.30 «Ўзбекистон»... 11.35 «Ўзбекистон»...

11.40 «Ўзбекистон»... 11.45 «Ўзбекистон»... 11.50 «Ўзбекистон»... 11.55 «Ўзбекистон»...

12.00 «Ўзбекистон»... 12.05 «Ўзбекистон»... 12.10 «Ўзбекистон»... 12.15 «Ўзбекистон»...

12.20 «Ўзбекистон»... 12.25 «Ўзбекистон»... 12.30 «Ўзбекистон»... 12.35 «Ўзбекистон»...

12.40 «Ўзбекистон»... 12.45 «Ўзбекистон»... 12.50 «Ўзбекистон»... 12.55 «Ўзбекистон»...

13.00 «Ўзбекистон»... 13.05 «Ўзбекистон»... 13.10 «Ўзбекистон»... 13.15 «Ўзбекистон»...

ЖУМА, 25

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

7.00 «Бодро устро»... 7.50 «Тет-а-тет»... 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

8.35 ТВ - анонс... 8.40 «9-40 «Манавият» дастури»... 9.00 «Хабарлар» (рус. тил)

9.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

ЖУМА, 25

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

7.00 «Бодро устро»... 7.50 «Тет-а-тет»... 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

8.35 ТВ - анонс... 8.40 «9-40 «Манавият» дастури»... 9.00 «Хабарлар» (рус. тил)

9.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

ЖУМА, 25

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

7.00 «Бодро устро»... 7.50 «Тет-а-тет»... 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

8.35 ТВ - анонс... 8.40 «9-40 «Манавият» дастури»... 9.00 «Хабарлар» (рус. тил)

9.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

ЖУМА, 25

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

7.00 «Бодро устро»... 7.50 «Тет-а-тет»... 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

8.35 ТВ - анонс... 8.40 «9-40 «Манавият» дастури»... 9.00 «Хабарлар» (рус. тил)

9.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

ЖУМА, 25

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

7.00 «Бодро устро»... 7.50 «Тет-а-тет»... 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

8.35 ТВ - анонс... 8.40 «9-40 «Манавият» дастури»... 9.00 «Хабарлар» (рус. тил)

9.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

ЖУМА, 25

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

7.00 «Бодро устро»... 7.50 «Тет-а-тет»... 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

8.35 ТВ - анонс... 8.40 «9-40 «Манавият» дастури»... 9.00 «Хабарлар» (рус. тил)

9.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

ЖУМА, 25

5.55 «Ўзбекистон»... 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 7.00 «Икким»...

7.00 «Бодро устро»... 7.50 «Тет-а-тет»... 8.00 «Хабарлар» (рус. тил)

8.35 ТВ - анонс... 8.40 «9-40 «Манавият» дастури»... 9.00 «Хабарлар» (рус. тил)

9.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 9.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

10.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 10.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.00 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.10 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.20 «Хабарлар» (узб. тил)»...

11.30 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.40 «Хабарлар» (узб. тил)»... 11.50 «Хабарлар» (узб. тил)»...



19.00 «Эки» студияси: «Этиқид мустақиллиги йўлида»... 19.15 «Анонс»... 19.20 «Репортаж»...

19.30 «Эки» студияси: «Этиқид мустақиллиги йўлида»... 19.45 «Анонс»... 19.50 «Репортаж»...

20.00 «Эки» студияси: «Этиқид мустақиллиги йўлида»... 20.15 «Анонс»... 20.20 «Репортаж»...

20.30 «Эки» студияси: «Этиқид мустақиллиги йўлида»... 20.45 «Анонс»... 20.50 «Репортаж»...

8.00 М/ф «Спасатели»... 8.10 «Анонс»... 8.15 «Спасатели»... 8.20 «Анонс»...

8.30 М/ф «Спасатели»... 8.40 «Анонс»... 8.45 «Спасатели»... 8.50 «Анонс»...

9.00 М/ф «Спасатели»... 9.10 «Анонс»... 9.15 «Спасатели»... 9.20 «Анонс»...

9.30 М/ф «Спасатели»... 9.40 «Анонс»... 9.45 «Спасатели»... 9.50 «Анонс»...

10.00 М/ф «Спасатели»... 10.10 «Анонс»... 10.15 «Спасатели»... 10.20 «Анонс»...

10.30 М/ф «Спасатели»... 10.40 «Анонс»... 10.45 «Спасатели»... 10.50 «Анонс»...

Advertisement for Akmal Akromov, featuring contact information, address, and a list of services including printing and translation.